

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНОВА ДИЛБАР АЗАМАТ ҚИЗИ

**ГИППОКАМПАЛ СКЛЕРОЗЛИ МЕЗИАЛ ЧАККА
ЭПИЛЕПСИЯСИННИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА БИОКИМЁВИЙ
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Султонова Дилбар Азамат қизи

Гиппокампал склерозли мезиал чакка
эпилепсиясининг клиник неврологик ва
биокимёвий жиҳатлари..... 3

Султонова Дилбар Азамат қизи

Клинико-неврологические и биохимические
аспекты мезиальной височной эпилепсии
с гиппокампальным склерозом..... 27

Sultonova Dilbar Azamat kizi

Clinical, neurological, and biochemical
aspects of mesial temporal lobe epilepsy
with hippocampal sclerosis..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНОВА ДИЛБАР АЗАМАТ ҚИЗИ

**ГИППОКАМПАЛ СКЛЕРОЗЛИ МЕЗИАЛ ЧАККА
ЭПИЛЕПСИЯСИННИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА БИОКИМЁВИЙ
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Tib3820 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаida (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азизова Раъно Баҳодировна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Таджиев Мирхотам Мирхашимович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Қиличев Ибодулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-йи. Тел./факс: (+998) 78–150–78–28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-йи. Тел./факс: (+998) 71–214–82–90

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» куни тарқатилди.

(2025 йил «_____» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.О. Эргашева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра¹ эпилепсия 50 миллион кишини қамраб олган кенг тарқалган неврологик касаллик ҳисобланади. Мезиал чакка бўлаги эпилепсияси умумий чакка эпилепсиясининг 65% ини ташкил қиласи шу билан бирга катталарда учрайдиган энг кенг тарқалган фокал эпилепсия туридир. Бунда эпилептик хуружлар мезиал чакка бўлагининг лимбик соҳасидан, хусусан гиппокамп, амигдала, парагиппокампал пушта ва унинг боғланган соҳаларидан келиб чиқади. Одатда, эпилепсия билан оғриган беморларнинг тахминан 68 фоизи дори дармонлар билан хуруждан ҳалос бўлишга эришадилар. Гиппокампал склерозли мезиал чакка бўлаги эпилепсияси мавжуд беморларни касалликнинг оғир кечиши ва дориларга резистентликнинг ривожланиши ушбу касалликнинг ташхисоти ҳамда даволаш чора-тадбирларини оптималлаштириш замонавий неврологиянинг мураккаб ва долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда ҳозирги кунда мезиал чакка бўлак эпилепсияси, айниқса гиппокампал склероз билан кечувчи шакли (ГС-МЧБЭ), неврология ва клиник нейрофизиология соҳаларида энг долзарб ва яхлит ўрганилаётган патологиялардан бири сифатида қайд этилмоқда. Сўнгти йилларда олиб борилган фундаментал, трансляцион ва клиник тадқиқотлар ушбу касалликнинг патогенетик механизмлари, клиник-семиологик фенотиплари, юқори аниқлиқдаги ЗТ-МРТ орқали аниқланадиган морфологик ва структуравий ўзгаришлари, ЭЭГдаги ўзига хос электр-эпипаттернлари ҳамда янги авлод молекуляр-биокимёвий биомаркерларининг диагностик ва прогностик аҳамиятини чуқур таҳлил қилишга қаратилмоқда. Айниқса матрикс металлопротеиназа-9 (ММР-9) даражасининг нейрояллигланиш, синаптик пластиклик, нейронал ремоделлинг ва эпилептогенез жараёнидаги ўрни бўйича маълумотлар ортиб бормоқда. АҚШ, Германия, Япония ва Жанубий Корея каби илфор илмий марказларда ГС-МЧБЭнинг аниқ клиник фенотипларини идентификатсия қилиш, фармакорезистент шаклларни барвақт прогноз қилиш, биомаркерлар асосида индивидуал ва персоналлаштирилган терапия моделларини яратиш, шунингдек, нейрохирургик ва медикаментоз даволаш стратегияларининг самарасини баҳолаш бўйича йирик масштабли тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, эпилепсия касаллигини эрта аниқлаш ва даволашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммаболигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини

¹World Health Organization. Epilepsy – Key facts. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/epilepsy>. 2020

шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризасиянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, гиппокампал склерозли мезиал чакка бўлак эпилепсияси мавжуд bemорларни ташхислаш ва даволаш ишларини оптималлаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гиппокампал склероз - бу гиппокамп нейронларининг сезиларли даражада йўқолиши ва глиоз билан тавсифланадиган патологик ҳолатдир. Ушбу ҳолат чакка эпилепсияси бўлган bemорларда энг кўп учрайдиган нейропатологик ўзгариш ҳисобланади, шунингдек, у кексаларда ҳам кузатилади. ГС-МЧБЭ катталарда учрайдиган дори таъсирига чидамли эпилепсиянинг энг кенг тарқалган тури ҳисобланади (Тин Чжао., Сяосяо суй., 2025). МТС (мезиал темпорал склерози) тишли гирос дарвозасидаги нейронлар ва гиппокампнинг Аммон шохидаги, айниқса СА1 ва СА3 соҳаларида пирамидал нейронларнинг сезиларли даражада йўқолиши билан тавсифланади (Даниел Вилямисар-Торрес, Андреа Каролина Сепеда Триллос., 2024). Кенг кўламли анатомик ўзгаришлар билан бир қаторда, ГС-МЧБЭ асосан хотира функцияларига таъсир кўрсатади, бироқ у когнитив фаолиятнинг бошқа йўналишларига ҳам салбий таъсир қиласди. Рилей ва унинг ҳамкорлари чакка эпилепсиясида думли ядро билан дорсолатерал префронтал пўстлок ўртасидаги ўзгарган функционал боғланиш ишчи хотира, дикқат ва ижро функцияларининг бузилиши билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатиб берган (Sibel Celiker Uslu, Burcu Yuksel., 2018). Эпилепсияда ММР-9 эпилептик ўчоқнинг шаклланиши ва эпилепсия хуружларини пайдо бўлишида

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони.

муҳим рол ўйнаши мумкинлиги таъкидланмоқда. ММР-9 фаоллигининг эпилептик ўчоқда ортиши ҳам ҳайвонлар моделларида, ҳам клиник тадқиқотларда қузатилган. ММР-9 эпилептик ўчоқнинг шаклланишига, масалан, синапсларнинг қайта тузилиши орқали ҳисса қўшади. Унинг қон-мия тўсиги элементларига протеолитик таъсири ва кимёвий хемотаксис жараёнларини фаоллаштириши яллиғланиш ҳужайраларининг тўпланишини осонлаштиради ва эпилептик хуружларни қўзғатади. Шунингдек, ММР-9 томонидан глютаматэргик сигнал узатишнинг ўзгариши ҳам хуружлар билан боғлиқ (Elhbieta Bronisz and Iwona Kurkowska-Jastrzewska., 2016).

Ўзбекистонда ҳам эпилепсиянинг нейроиммунопатогенетик механизмлари Азизова Р. Б., Маджидова Ё. Н., Рахимбаева Г. С., 2014); Фармакорезистент эпилепсия билан кечадиган беморларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича диагностик алгоритм (Туйчибаева Н.М., 2019); Нейрон-специфик энолаза (NSE) эпилепсия ва бошқа турли патологияларда мия шикастланишининг маркери сифатида ўрганиш (Рахимбаева Г.С., Рашидова Н.С., (2011) каби бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган, бироқ ушбу касаллик билан оғриган беморларда касалликни эрта босқичларда ташхислаш ҳамда даволаш чора-тадбирларини оптималлаштиришга доир ишлар етарли ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг 02-4974-сон илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Аҳоли саломатлиги, соғлом турмуш тарзи профилактикаси, уларнинг хавф омилларини эрта аниқлаш ва Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий-профилактик, даволаш ва замонавий инновацион ташхислаш ёрдамларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясининг клиник-неврологик, биокимёвий хусусиятларини ўрганиш ва прогностик биомаркерларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясининг клиник симиологик хусусиятларини ушбу касалликни ташхислашнинг замонавий халқаро мезонларидан фойдаланган ҳолда эпилепсиясининг структур нуқсони бўлмаган бошқа шакллари билан қиёсий жиҳатдан тахлил қилиш;

гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясининг ривожланишида юқори даражада прогностик аҳамиятга эга бўлган бош мия заарланиш биомаркерининг (ММР-9) таркибини ва миқдорий хусусиятларини аниқлаш;

гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсияси бўлган беморларда клиник, когнитив - психологик ва электрофизиологик ўзгаришлар ва ММР-9 даражаси ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясини эрта аниқлашнинг илмий асосланган диагностик алгоритми ва прогностик моделини ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Тошкент давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг неврология бўлимига, “Intermed Neuro” хусусий клиникаси ҳамда Навоий вилоят Хатирчи тумани марказий кўп тармоқли поликлиникасига мурожаат қилиб келган 88 нафар эркак ва аёллар жалб қилиниб, 30 нафар гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсияси билан оғриган беморлар асосий гуруҳни, 36 нафар структур нуқсони бўлмаган эпилепсиянинг бошқа шакллари мавжуд қиёсий гуруҳни ҳамда 22 нафари неврологик ўзгаришлари мавжуд бўлмаган амалда соғлом инсонлардан иборат назорат гуруҳини ташкил этди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар ва назорат гуруҳидаги амалда соғлом инсонларнинг қон зардоби намуналари, гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсияси белгиларининг яққоллиги, маҳсус шкаалалар орқали текширув, нейрофизиологик ва нейровизуализацион текширув натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясига эрта ташхис қўйиши оптималлаштириш, клиник-неврологик ўзгаришларни аниқлаш учун MoCA, HADS хавотир ва депрессия шкаласи, нейрофизиологик (ЭЭГ, видео-ЭЭГ мониторинг), нейровизуализацион (HARNESS баённомаси асосида МРТ), иммунофермент (ММР-9) ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

HARNESS-MRT баённомасида аниқланган гиппокампал склероз оғирлик даражаси беморларнинг когнитив (MoCA) ва эмоционал (HADS-хавотирланиш) кўрсаткичлари ва ЭЭГда фон ритмининг секинлашуви ва асосан уйкуда қайд этиладиган эпилептиформ ўзгаришларни белгиловчи етакчи омил эканлиги исботланган;

ММР-9 концентрациясининг ошиши HARNESS-МРТда қайд этилган гиппокампал склероз даражасининг кучайиши билан ишончли боғлиқ бўлиб, унинг гиппокампал тўқима шикастланишини акс эттирувчи биокимёвий диагностик маркер сифатидаги аҳамияти аниқланган;

гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясини эрта ташхислаш учун анамнездаги дастлабки жароҳат ва фебрил хуружлар, шунингдек хуружнинг преиктал, иктал ва постиктал даврларида кузатилувчи семиологик белгиларнинг таҳлилига асосланган клиник-диагностик мезон ишлаб чиқилган;

клиник-семиологик, нейровизуализацион ва биокимёвий кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилиш асосида гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясини эрта аниқлаш ва хавф даражасини баҳолаш бўйича прогностик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

анамнестик, клиник-семиологик ва нейрофизиологик белгилар мажмусини HARNESS-MRT баённомаси натижалари билан қиёсий баҳолашни гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсияни эрта ташхиси учун қўллаш амалий тиббиётга тавсия этилган;

ММР-9 миқдорини гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсия учун ишончли диагностик биомаркер сифатида қўллаш тавсия этилган;

гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсия эрта аниқлаш асоратлар хавфини баҳолашга қаратилган кўп омилли прогностик модел ва диагностик алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида фойдаланилган назарий ёндашув ва усуллар ҳамда ўтказилган тадқиқотларнинг илмий-услубий нуқтаи назардан тўғрилиги, тўпланган материалларнинг етарлилиги, танланган усулларнинг замонавийлиги ва бири иккинчисини тўлдирганлиги, объектив клиник, нейрофизиологик, нейровизуализацион, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари ўзига хос тарзда қўлланганлиги, уларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, олинган хулоса ва натижаларнинг ваколатли тузилмалар ва органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ГС-МЧБЭ беморлар қон зардобида матрикс металлопротеиназа-9нинг миқдори ГС-МЧБЭда қиёсий ва назорат гуруҳларини кишига нисбатан юқори даражада кузатилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ГС-МЧБЭ беморларни комплекс ташхислаш чора тадбирлари мажмуасини ишлаб чиқиши неврологларга касалликни эрта ташхислаш орқали ногиронлик даражасининг камайиши, нотўғри ташхислар сонининг қисқариши, даволаш тактикаси бўйича қарор қабул қилишга ёрдам бериши, тиббий ёрдам тури ва ҳажмини оқилона танлаш, тиббий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: гиппокампал склерозли мезиал чакка бўлак эпилепсиясининг клиник семиологик, когнитив-психологик, биокимёвий, инструментал-диагностик хусусиятларини комплекс ташхислаш бўйича олинган натижалар асосида:

Биринчи илмий янгилик: HARNESS-MRTда аниқланган гиппокампал склероз оғирлик даражаси беморларда когнитив (MoCA) ва эмоционал (HADS) бузилишлар, шунингдек ЭЭГда фон ритмининг секинлашуви ва уйқудаги эпилептиформ фаолликни белгиловчи етакчи омил эканлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025-йил 24-февралда 0225/478т-сон билан тасдиқланган «Гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясининг HARNESS баённомаси бўйича эрта радиологик ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган бўлиб, улар Навоий вилоят Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси (18.03.2025 йилдаги 1094-5-ТБ/2025-сон буйруғи), ҳамда “M-Clinic” Кўп тармоқли Тиббиёт Маркази (18.03.2025 йилдаги 12-П/1-сон буйруғи) билан амалиётiga жорий этилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** олинган маълумотлар асосида касаллик семиологик белгилари аниқланиб, ГС-МЧБЭ мавжуд беморларни касаллик ривожланишини эрта даврларда аниқлаш имконини беради. Клиник амалиётда ташхис қўйиш жараёнида шифокорларга ёрдам бериш билан бирга, беморларга эрта ва мақсадли даво чораларини

кўриш имконини берди. Бу каби ёндашувлар беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, шифокорларга ташхис ва даво жараёнида аниқ йўналиш бериш, соғлиқни сақлаш тизимида самарали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан муҳим ижтимоий аҳамият қасб этди. *Иқтисодий самарадорлиги:* иқтисодий самарадорликклиник семиологик белгиларни аниқланиши билан беморларга ёндашув 1 нафар бемор учун ўртача қиймати 2000000 сўм бўлган харажатни талаб қилувчи ташхислаш чора-тадбирларига кетадиган ўртача йиллик даволаш харажатини олдини олишга олиб келади. *Хулоса:* ташхис аниқлигини ошириш, даво самарадорлигини кўтариш ва ортиқча тиббий хизматларга эҳтиёжни камайтириш орқали 30 нафар бемор учун умумий иқтисодий фойда 60000000 сўмни ташкил этди. Бу натижалар, ишлаб чиқилган усулнинг соғлиқни сақлаш тизимида молиявий жиҳатдан мақбул ва амалий самарага эга эканини тасдиқлайди;

Иккинчи илмий янгилик: ММР-9 микдорининг ортиши HARNESS-MPT да аниқланадиган гиппокампал склероз кучайиши билан узвий боғлиқ экани ва унинг тўқима шикастланишини кўрсатувчи биокимёвий маркер эканлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025-йил 24-февралда 0225/478t-сон билан тасдиқланган «Гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясининг HARNESS баённомаси бўйича эрта радиологик ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган бўлиб, улар Навоий вилоят Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси (18.03.2025 йилдаги 1094-5-ТБ/2025-сон буйруғи), ҳамда “M-Clinic” Кўп тармоқли Тиббиёт Маркази (18.03.2025 йилдаги 12-П/1-сон буйруғи) билан амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ЭЭГ да чакка эпилепсияси учун хос белгиларни билиш, HARNESS-MPT орқали гиппокамп склерозини аниқлаш касалликни бошқа эпилепсия турларидан фарқлаш ва эрта муддатларда ташхис қўйиш имконини бериб, даволаш эрта бошланади, хуружлар сони ва оғирлиги камаяди. МТС даражаси ва когнитив ва хавотир ҳолатлари орасидаги боғлиқликни билган ҳолда беморларда психоневрологик асоратлар олдини олиш мумкин. Беморнинг ижтимоий ҳаётда қатнашиш қобилияти узоқроқ сақланиши эса унинг психологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда ижтимоий адаптация жараёнини енгиллаштириди. *Иқтисодий самарадорлиги:* ЭЭГ белгилари ва HARNESS-MPT да МТС оғирлик даражасига кўра ҳар бир беморга дифференсиал ёндашув орқали клиник-диагностик кўрсаткичи салбий ташхислаш чора тадбирлари профилактикасига ҳамда когнитив бузилишлар профилактикаси орқали бир нафар беморга йилига ўртача 2800000 сўм иқтисодий тежамга олиб келади. *Хулоса:* ЭЭГ натижалари, HARNESS-MPT баённомаси асосида қилинган бош мия МРТ си натижаларини таҳлил қилиш орқали гиппокампал склерозни эрта босқичда аниқлаш ва ҳар бир беморларга дифференциаллашган олиб бориш тактикасини қўллаш соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий юкни камайтиришга хизмат қилишини тасдиқлайди;

Учинчи илмий янгилик: гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясини ташхислаш учун анамнездаги дастлабки жароҳат ва фебрил

хуружлар, шунингдек хуружнинг преиктал, иктал ва постиктал даврларида кузатилувчи семиологик белгиларнинг таҳлилига асосланган клиник-диагностик мезон бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025-йил 24-февралда 0225/478t-сон билан тасдиқланган «Гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясининг HARNESS баённомаси бўйича эрта радиологик ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган бўлиб, улар Навоий вилоят Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси (18.03.2025 йилдаги 1094-5-ТБ/2025-сон буйруғи), ҳамда “M-Clinic” Кўп тармоқли Тиббиёт Маркази (18.03.2025 йилдаги 12-П/1-сон буйруғи) билан амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* биокиёвий таҳлил ёрдамида қон зардобида матрикс металлопротеиназа миқдорининг, ЭЭГ ва МРТ билан уйғун корреляция аниқланиши ГС-МЧБЭга инвазив бўлмаган усул орқали ташхис қўйиш субективлигини камайтириб, аниқлигини оширади, беморларни индивидуал олиб бориш тактикасини яхшилашга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* MMP-9 концентрациясини қўллаш орқали гиппокампал склероз оғирлигини баҳолаш 1 нафар бемор учун ўртacha йилига 1500000 сўм маблағни тежаш имконини беради. Бу диагностик самарадорлик, кераксиз харажатлар ва вақтни қисқартириш орқали таъминланади. Умумий ҳисобда, MMP-9 концентрациясини қўллаш орқали 30 нафар бемор учун умумий иқтисодий самара таҳминий 45000000 сўмни ташкил этган. Ушбу натижалар, мазкур усулнинг нафақат клиник, балки молиявий жиҳатдан ҳам мақбул ечим эканини кўрсатади. *Хулоса:* MMP-9 ни гиппокампал склерозли мезиал чакка бўлак эпилепсияли беморлар периферик қон зардобида текширишни клиник диагностик амалиётга жорий этилиши беморлар учун юқори самарадор, хавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан мақбул ташхис усули сифатида ўзини намоён этмоқда. MMP-9 нафақат диагностик балки прогностик биомаркер сифатида ҳам амалий аҳамиятга эга;

тўртингчи илмий янгилик: клиник-семиологик, нейровизуализацион ва биокимёвий кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилиш асосида гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясини эрта аниқлаш ва хавф даражасини баҳолаш бўйича прогностик модел бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025-йил 24-февралда 0225/478t-сон билан тасдиқланган «Гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясининг HARNESS баённомаси бўйича эрта радиологик ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган бўлиб, улар Навоий вилоят Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси (18.03.2025 йилдаги 1094-5-ТБ/2025-сон буйруғи), ҳамда “M-Clinic” Кўп тармоқли Тиббиёт Маркази (18.03.2025 йилдаги 12-П/1-сон буйруғи) билан амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф қилинган диагностик алгоритм қўлланганда субектив қарорлар ўрнига моделлаштирилган алгоритм асосида қарорлар қабул қилинади бу эса диагностик хатоларни камайтиради ва ГС-МЧБЭни бошқа эпилепсиялардан ишончли фарқлаш ва индивидуал даволаш имконини беради. Бу эса тиббий хизмат сифатини оширишга хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Кўп омилли математик модел ва клиник-

биомаркерли прогнозлаш алгоритмини амалиётга жорий қилиш орқали 1 нафар бемор учун йилига тахминан 3300000 сўм иқтисодий самарага эришиш мумкин. Бу диагностик аниқлик, хуружларни камайтириш, когнитив функцияларни сақлаш ва ортиқча харажатларни камайтириш ҳисобига юзага чиқади. *Хулоса:* мувофиқлаштирилган ташхис усули беморларнинг умумий ҳолатини барқарорлаштириши ва зарур даво усулини танлаш натижасида уларнинг стационар шароитдаги даволаниш эҳтиёжи камайди, баъзан хуружлардан бутунлай холос бўлади. Бу эса шифохонадаги юкламани енгиллаштиради ва тиббий ресурсларни тежаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг Диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп етиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шу жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот обьекти ва предмети баён қилинган, диссертация ишининг Республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий тадқиқотнинг янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича материаллар, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсиясининг замонавий муаммолари»** деб номланган биринчи бобида адабиёт манбалари шарҳи келтирилган ҳамда гиппокампал склерозли мезиал чакка бўлак эпилепсиясининг этиологияси, патогенези, семиолигик белгилари, ЭЭГ диагностикаси, нейровизуализаторлик ташхис асослари, ММР-9нинг эпилептогенездаги роли, даволаш бўйича сўнгги йилларда чоп этилган материаллар таҳлили ёритилган.

Диссертация ишининг **«Гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсияси беморларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилаётган контингент хусусиятлари берилган. Иш **«Гиппокампал склерозли мезиал чакка бўлак эпилепсияси»**

ташхиси учун МКБ-10 мезонларига мос бўлган беморларни текшириш ва ўрганиш натижаларига асосланган. Беморлар 2023 йилдан 2025 йилгача Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг неврология бўлимида, Intermed Neuro хусусий клиникаси, Навоий вилояти Хатирчи тумани Марказий кўп тармоқли поликлиникасида кўриқдан ўтказилган.

Тадқиқотда жами 88 нафар иштирокчи жалб қилинди. Иштирокчилар мақсадли танлама (purposive sampling) усули асосида, олдиндан белгиланган клиник ва инструментал мезонлар асосида танлаб олинди. Улар қўйидаги уч гурухга бўлинди: Асосий гурух (n=30): ILAE (2017) классификациясига асосан клиник, электроенсеграфик ва нейровизуал белгилар асосида ГС-МЧБЭ ташхиси қўйилган беморлар; қиёсий гурух (n=36): бошқа шаклдаги эпилепсияга эга беморлар, бироқ МРТда гиппокампал склероз аниқланмаган беморлар; назорат гурухи (n=22): неврологик соғлом шахслар. Баҳоланган параметрлар:

1. Клиник: бемор ёши, жинси, хурож тури ва семиологияси, касаллик давомийлиги, бир ойдаги хурожлар сони, хурож илк бошланиш ёши, дастлабки турки берувчи жароҳат мавжудлиги (жароҳат, инфексия ва б.)
2. Нейропсихологик: MoCA (когнитив баҳолаш), HADS (ташвиш ва депрессия даражаси) шкааллари.
3. Инструментал: видео ЭЭГ мониторинг, кундалик ЭЭГ, мия МРТ (оддий ва HARNESS эпилептик протоколи асосида)
4. Биокимёвий: периферик қон зардобида матрикс металлопротеаза-9 (MMP-9) даражаси.

Беморларнинг ёш оралиғи: 18 ёшдан 60 ёшгача. Жинси: Ҳар икки жинс вакиллари жалб этилган. Касаллик давомийлиги: 1 йилдан 31 йилгача оралиқда бўлди.

Клиник-инструментал материалларни статистик қайта ишлаш тиббий-биологик тадқиқот натижаларини $p < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида қайта ишлаш бўйича тавсияларга мувофиқ DATAtab амалий статистик пакети ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «Гиппокампал склерозли мезиал чакка бўлак эпилепсияси беморларда эпилепсиянинг клиник-семиологик кўрсаткичларини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсияси бор беморларда касалликнинг клиник семиологик хусусиятлари тақдим этилган. Дастроб гурухларнинг умумий статистик хусусиятлари ўрганилди.

Дастлабки хурож ёши эпилепсиянинг фенотипи ва кечишига бевосита таъсир қиласидиган муҳим клиник мезон ҳисобланади. Дескриптив таҳлил натижаларига кўра, дастлабки хурож ёши асосий гуруҳда $15,03 \pm 5,45$ ёш, қиёсий гуруҳда эса $21,56 \pm 14,81$ ёш бўлиб, қиёсий гуруҳда хурожлар кечроқ бошланиши кузатилди. Mann-Whitney U-test натижалари ($U = 375$, $p = 0,033$) гурухлар ўртасида статистик жиҳатдан ишончли фарқ мавжудлигини кўрсатди. Эффект ўлчами $p = 0,26$ бўлиб, бу кичик, аммо клиник жиҳатдан аҳамиятли фарқ мавжудлигини билдиради. Ушбу натижалар асосий гуруҳ

беморларида дастлабки хуружнинг нисбатан эрта бошланиши эҳтимоли мавжудлигини кўрсатади.

Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, асосий гуруҳдаги беморларда фақат фокал турдаги эпилептик хуружлар қайд этилган бўлиб, уларнинг аксарияти ($n=13$) хуш бузилиши билан кечган ва кўпчилиги генерализациялашган тоник-клоник хуружлар ($n=18$)га прогрессияланган. Қиёсий гуруҳида эса беморларнинг ярмидан ортиғида ($n=15$) асосий хуруж тури сифатида генерализациялашган тоник-клоник хуружлар кузатилган ва миоклоник хуружлар ҳам фақат қиёсий гурухда қайд этилди. Ушбу натижалар касалликнинг семиологик жиҳатдан фарқланишини ва ГС-МЧБЭ учун фокал бошланишили хуружлар хос эканлигини кўрсатади. Хи-квадрат тести натижаларига кўра, Гуруҳ ва Хуруж тури ($0=$ йўқ) ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли боғлиқлик мавжуд ($\chi^2(12) = 28, 6, p= 0,005$). Бу эса гуруҳлар ўртасида хуружлар шаклининг клиник ва этиологик тафовутлари мавжудлигидан далолат беради. Хулоса сифатида, мазкур натижалар асосида айтиш мумкинки, асосий ва қиёсий гуруҳлар ўртасида эпилептик хуружларнинг шакллари клиник мухим даражада фарқланади, бу эса патологик жараённинг характеристики ва ривожланиш механизмларидағи фарқларга ишора қиласи.

Гурухлар ўртасида дастлабки турткى берувчи жароҳат (ДТЖ) учраш частотаси таққосланганда, Хи-квадрат тести асосида уларнинг ўзаро боғлиқлиги статистик жиҳатдан ишончли деб топилди ($\chi^2 = 9,84$; $df = 1$; $p = 0,002$), (1-расм).



1-расм. Эпилепсия ташхиси ва ДТЖ орасидаги ўзаро алоқа

Шундай қилиб, асосий гурухга мансублик дастлабки турткы берувчи жароҳат мавжудлигини статистик ишонч билан башорат қилувчи омил сифатида тасдиқланди.

Хи-квадрат таҳлили натижаларига кўра, ауранинг мавжудлиги билан эпилепсия ташхислари ўртасида кучли ва статистик жиҳатдан ишончли боғлиқлик мавжудлиги аниқланди ($\chi^2(7) = 30, 28$; $p < 0, 001$; $C=0,7931$). Ушбу натижа аура симптомининг турли ташхис гуруҳларида бир хилда тақсимланмаслиги ва уларнинг клиник ифодаланишида фарқлар мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ауранинг қиёсий ва асосий гуруҳлар орасидаги тақсимоти ҳам сезиларли даражада фарқ қилиши аниқланди ($\chi^2(1) = 9, 48$; $p= 0, 002$; Крамер коеффиценти $B = 0,379$; $C=0,501$). Ауранинг айниқса асосий гуруҳда юқори учраши, бу симптомнинг мазкур гуруҳга хос клиник ва нейрофизиологик хусусиятларга эга эканлигидан далолат беради.

Вегетатив симптомлар (кўнгил айниши, тахикардия, терлаш, нафас ва юз ранги ўзгаришлари) асосий гуруҳда кўпроқ кузатилди. Хи-квадрат тести бу боғлиқликни ишончли деб топди ($\chi^2(1) = 4, 84$; $p= 0, 028$).

Ўтказилган χ^2 (Хи-квадрат) тести натижаларига кўра, гуруҳлар билан автоматизм белгисининг мавжудлиги ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли боғлиқлик аниқланди ($\chi^2(1) = 13, 23$; $p<0,001$). Бу автоматизм белгиси гуруҳлар кесимида тасодифий тақсимланмасдан, балки қонуният асосида фарқ қилаётганини билдиради. Кузатилган ва кутилган частоталар орасидаги фарқ айниқса асосий гуруҳда — ГС-МЧБЭ бўлган беморларда — автоматизмларнинг юқори учраш частотаси билан ажралиб туради. Хи-квадрат тест асосида иктал нутқнинг тўхтатилиши билан беморларнинг гуруҳларга мансублиги ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли боғлиқлик аниқланди ($\chi^2(1) = 7, 436$; $p= 0, 006$; $C = 0, 45$).

Бу натижа асосий гуруҳдаги беморларда (гиппокампал склерозли мезиал чакка эпилепсияси) иктал нутқнинг тўхтатилиши ҳолати анча кўпроқ учрашини кўрсатади. Ташхислараро таҳлилда эса p -қиймат ($p=0,1$) статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлмагани сабабли, асосий таҳлил сифатида гуруҳлараро солиштириш келтирилди. Логистик регрессия таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳга мансублик иктал нутқ тўхтасининг юзага келиш еҳтимолини статистик жиҳатдан ишончли даражада оширади ($B = 1,39$, $OP = 4$, $p= 0, 035$). Бу шуни англатадики, асосий гуруҳдаги беморларда иктал нутқ тўхташи еҳтимоли 4 баравар юқори. Ушбу натижа иктал нутқ тўхташи асосий гуруҳга хос клиник белги бўлиши мумкинлигини кўрсатади.


МоСА умумий кўрсаткичлари бўйича гуруҳлар ўртасидаги фарқни аниқлаш мақсадида ANOVA ва Welch-ANOVA таҳлиллари ўтказилди (1-жадвал).

1-жадвал

Гуруҳларда Монреал когнитив шкаласи умумий статистик натижалари


Гуруҳлар	n	Минимал	Максимал	Ўртача ± Стд.оғиш
Қиёсий	36	18	27	24, 0833 ± 1, 842
Асосий	30	18	26	22, 0333 ± 2, 2358
Назорат	22	26	30	28 ± 1, 48

Хар икки таҳлил натижасига кўра, гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ($F(2, 85)=62, 66; p<0, 001$ ва $F(2, 53, 82)=75, 007; p<0, 001$) деб топилди (2-расм).



2-расм. Гуруҳларда Монреал когнитив шкаласи баллар тақсимоти

HADS ваҳима кўрсаткичи бўйича гуруҳлар фарқи: Kruskal–Uollis тест натижасига кўра, учта гуруҳ ўртасида HADS кўрсаткичлари жиҳатидан ишончли фарқ мавжудлиги аниқланди ($\chi^2=19.95; d.f.=2; p<0.001$). Жуфт таққослаш учун Dunn–Bonferroni пост-хок таҳлили қўлланди: Асосий ва Қиёсий: фарқ аҳамиятли (adj. $p=0.003$; медианалар: 10 vs 7.5), Асосий ва Назорат: фарқ аҳамиятли (adj. $p<0.001$). Қиёсий ва Назорат: фарқ аҳамиятли эмас (adj. $p=0.471$). Бу натижалар асосий гуруҳда хавотир даражаси юқорироқ эканлигини кўрсатади (3-расм).




3-расм. Гуруҳларда HADS шкаласи ваҳима ва депрессия баллари тақсимоти

«Гиппокампал склероз билан кечувчи мезиал чакка эпилепсиясида инструментал-диагностика күрсаткычларнинг клиник-диагностика таҳлили» номли диссертациянинг тўртинчи бобида қуидагилар кўрсатилган, қиёсий гуруҳда тарқоқ интериктал эпилептик фаоллик ($n=16$; 24, 24%) кўп учраган бўлса, асосий гуруҳда бу ҳолат кузатилмаган. Аксинча, асосий гуруҳда фокал интериктал эпилептик фаоллик устунлик қилган ($n=27$; 40, 91%). ЭЭГ таҳлиллари натижасига кўра, эпилепсия тури ва эпилептиформ фаоллик кузатилган ЭЭГ даври ўртасида статистик боғлиқлик мавжуд ($\chi^2(3) = 15, 43$; $p=0,001$). Конtingенция коэффициент $C=0,62$ бўлиб, бу ўртача кучли ассоциацияни билдиради. Қиёсий гуруҳда эпилептиформ фаоллик асосан фон ($n=16$) ва уйғониш ($n=6$) даврида аниқланган бўлса, асосий гуруҳда бу ҳолат уйқу даврида ($n=21$) устунлик қилган. Бу эса ГС-МЧБЭда эпилептиформ ўзгаришлар кўпроқ уйқу вактида намоён бўлишини кўрсатади. Электроэнцефалографик таҳлил натижаларига кўра, умумий беморларнинг 50%ида нормал/симметрик, 36, 36%ида секинлашган/ассимметрик фон ритми кузатилди. Асосий гуруҳда нормал/симметрик ритм фақат 16, 67% ҳолларда аниқланган бўлса, секинлашган/ассимметрик ритм уларда 25, 76%ни ташкил етди. Қиёсий гуруҳда эса ушбу кўрсаткычлар мос равишда 33, 33% ва 10, 61%ни ташкил етди. Ушбу фарқлар ГС билан кечувчи мезиал чакка эпилепсиясида фон ритмининг секинлашуви ва ассимметрияси кўпроқ учрашини кўрсатади. Хи-квадрат тести бу боғлиқликни статистик жиҳатдан ишончли деб тасдиқлади ($\chi^2(3) = 10, 66$; $p= 0, 014$; Cramers коэффициенти $B = 0,40$), бу эса гурух билан ЭЭГ фон ўзгаришлари ўртасида ўртача кучли ассоциация мавжудлигини кўрсатади.

Секин тўлқинларнинг мия қисмларида тарқалиши ҳам эпилепсия турига боғлиқ бўлиб, ГС-МЧБЭ ҳолатларида улар асосан медиал темпорал соҳалар ($M1, M2$)да, қиёсий гуруҳда эса фронтал ва диффуз тарзда аниқланган ($\chi^2(8) = 39, 53$; $p < 0, 001$; $C = 0, 87$). Шунингдек, секин тўлқин амплитудаси ва гуруҳ ўртасида ҳам кучли боғлиқлик мавжуд бўлиб, ГС-МЧБЭ гуруҳида юқори амплитудали (≥ 110 мВ), бошқа турларда эса паст амплитудали (≤ 90 мВ) тўлқинлар устунлиги қайд этилган ($\chi^2(16) = 42, 09$; $p < 0, 001$; $C = 0, 89$). Кўп омилли регрессия таҳлили натижаларига кўра, модел умумий ҳолда ишончли ($F(10, 55) = 23, 1$; $p < 0, 001$) ва кучли мосликка эга ($R^2 = 0, 81$). Статистик аҳамиятга эга омиллар сифатида гурух (Асосий: $B = 31, 72$; $p= 0, 034$) ва секин тўлқинлар жойлашуви бўйича G ($B = 81, 18$; $p= 0, 039$), $F2$ ($B = 107, 29$; $p= 0, 019$), $M1$ ($B = 156, 8$; $p<0,001$) ва $M2$ ($B = 158, 24$; $p < 0, 001$) аниқланган. Айниқса, $M1$ ва $M2$ соҳаларидағи таъсир энг кучли бўлиб, ГС-МЧБЭ диагностикасида бу ҳудудларнинг клиник аҳамиятини кўрсатади. Хи-квадрат (χ^2) тести асосида ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра, эпилепсия клиник шакллари (асосий ва қиёсий гуруҳлар) билан айрим ЭЭГ эпипаттернлари ўртасида статистик жиҳатдан ишончли боғлиқликлар аниқланган. Polyspike-wave (эпипаттерн_PSW) ҳолатлари гуруҳлар ўртасида фарқ қилган ($\chi^2(1) = 4, 4$; $p= 0, 036$; Fisher тести: $p= 0, 041$), бу эпипаттерннинг қиёсий гуруҳда юқорилиги (44, 4%) билан изохланади. Боғлиқлик ўртача кучли бўлиб, Конtingенция коэффициент $C = 0, 35$ деб топилди. Slow spike-wave (SSW)

Эпипаттерн учун эса статистик аҳамиятли боғлиқлик қузатилмади ($\chi^2(1) = 3, 1$; $p = 0, 078$; Fisher тести: $p = 0, 13$; $C = 0, 30$). Бу эпипаттерн ҳар иккала гурухда ҳам учрагани сабабли, фарқ аҳамиятли эмас деб баҳоланди. Spike only эпипаттерн ҳам гурухлар ўртасида сезиларли фарқ кўрсатмади ($\chi^2(1) = 0, 64$; $p = 0, 423$; Fisher тести: $p = 0, 449$; $C = 0, 14$), бу ҳолат унинг умумий тарқалганлигини билдиради. TIRDA (Temporal Intermittent Rhythmic Delta Activity) эпипаттерн асосий гурухда сезиларли кўпроқ аниқланган (38% га нисбатан 6%) бўлиб, бу ҳолат кучли статистик боғлиқликни кўрсатади ($\chi^2(1) = 10, 52$; $p = 0, 001$; Fisher тести: $p = 0, 002$; $C = 0, 53$). GPD (Generalized Periodic Discharges) фақат қиёсий гурухда аниқланган бўлиб, гурухлар ўртасида ишончли фарқ мавжуд ($\chi^2(1) = 8, 68$; $p = 0, 003$; Fisher тести: $p = 0, 003$; $C = 0, 48$). PLED (Periodic Lateralized Epileptiform Discharges) эпипаттерни ҳам гурух билан боғлиқ бўлиб чиқди ($\chi^2(1) = 4, 9$; $p = 0, 027$; Fisher тести: $p = 0, 049$; $C = 0, 37$), бу ҳолат унинг асосий гурухда кўпроқ учрашини кўрсатади. ЭЭГда аниқланган айрим эпипаттернлар (хусусан, TIRDA, GPD, PLED, ва PSW) эпилепсия турига боғлиқ равишда фарқ қилмоқда ва бу эпипаттернларнинг клиник шаклларга хослиги мавжудлигини кўрсатади. Хи-квадрат таҳлили натижаларига кўра, эпилепсия гурухлари билан ЭЭГда аниқланган эпилептиформ фаоллик локализацияси (Эпи_паттерн_локал_) ўртасида статистик аҳамиятли боғлиқлик мавжуд ($\chi^2(15) = 55, 24$; $p < 0, 001$). Локализациялар тақсимотига кўра, қиёсий гурухда эпилептиформ фаоллик асосан генерализацияланган (G, $n = 17$), шунингдек, юзаки неокортикал зоналарда – F2 ($n = 6$), P2 ($n = 3$) каби худудларда қайд этилган. Асосий гурухда эса эпилептиформ фаоллик кўпроқ медиал ва чуқур тузилмалар – M2 ($n = 10$), M1 ($n = 9$), F2+M2 ($n = 4$), F1+M1 ($n = 2$) соҳаларида аниқланган. ЭЭГда аниқланган эпилептиформ ўчоқ жойлашуви эпилепсия турига бевосита боғлиқ бўлиб, асосий гурухда фаолиятнинг мезиал-фокал, қиёсий гурухда эса кортикал ва генерализацияланган хусусияти устун. Бу натижалар мезиал темпорал склерозда эпилептоген зонанинг чуқур тузилмалар билан боғлиқлигини тасдиқлайди (4-расм).



**4-расм. Гурухларда эпилептиформ фаоллик локализацияси бўйича
Санкей диаграммаси**

HARNESS-МРТ баённомаси бўйича асосий гуруҳда аниқланган МТС оғирлик даражалари унинг латерал жойлашувига кўра фарқ қилди: чап МТС ҳолатларида енгил даража (7 та; 23, 3%) устунлик қилган, оғир даража қайд этилмаган. Ўнг МТС ҳолатларида эса ўрта (8 та; 26,7%) ва оғир (3 та; 10%) даражалар кўп учраган, енгил даража 4 та ҳолатда (13, 3%) қузатилган. Икки томонлама МТС эса фақат битта ҳолатда (1 та; 3,3%) енгил даражада аниқланган. Ушбу тақсимот МТС даражалари билан унинг латерализацияси ўртасида клиник мувофиқлик мавжудлигидан далолат беради (2-жадвал).

2-жадвал

Мезиал темпорал склероз оғирлик даражаси ва латерализацияси

	МТС*Даражаси						Жами	
	Ўрта		Оғир		Енгил			
	n	%	n	%	n	%	n	%
Чап	7	23, 33%	0	0%	7	23, 33%	14	46, 67%
Ўнг	8	26, 67%	3	10%	4	13, 33%	15	50%
Икки томонлама	0	0%	0	0%	1	3, 33%	1	3, 33%
Жами	15	50%	3	10%	12	40%	30	100%

МТС даражасига кўра беморларнинг ўртача ёши оғир гуруҳда энг юқори ($39,7\pm17,8$ ёш), енгил гуруҳда эса энг паст ($26,8\pm10,1$ ёш) бўлди. Касаллик давомийлиги барча гурухларда деярли бир хил бўлиб, фарқ сезиларли эмас (ўрта: $16,5\pm7,1$ йил; оғир: $17,7\pm12,6$ йил; енгил: $16,8\pm4$ йил). Хуружлар давомийлиги энг юқори ўрта гуруҳда ($124,7\pm58,9$ сек.), энг паст эса оғир гуруҳда ($92,7\pm93,4$ сек.) қайд этилган.

Дастлабки хуруж ёши ўртача 15–18 ёш атрофида бўлиб, оғир гуруҳда бироз кечроқ ($18,7\pm2,5$ ёш) бошланган. Хуружлар сони ҳар ойда энгил гуруҳда энг паст ($0,62\pm0,9$), ўрта ва оғир гурухларда эса яқин қийматлар ($\approx 0,95$) билан аниқланган (3-жадвал).

Тадқиқотимиз давомида Spearman корреляция таҳлиллари натижаларига кўра, МТС даражаси билан MoCA (когнитив фаолият) ўртасида кучли тескари боғлиқлик аниқланган ($r = -0,70$; $p < 0,001$), бу эса когнитив пасайиш МТС оғирлашуви билан бирга кечишини кўрсатади. Шунингдек, HADS хавотир (ташвиш) кўрсаткичи билан МТС даражаси ўртасида юқори даражадаги, статистик жиҳатдан ишончли мусбат боғлиқлик аниқланган ($r = 0,70$; $p < 0,001$), яъни ташвиш кучайгани сайин МТС даражаси ҳам ортади. Бироқ HADS депрессия даражаси билан МТС даражаси ўртасидаги боғлиқлик паст ($r = 0,27$) ва статистик жиҳатдан ишонарсиз ($p = 0,151$) деб топилди. Хикквадрат тести ва Контигенция коэффициент ($C=0,77$) натижалари МТС даражаси билан дастлабки заарловчи жараёнлар (ДТЖ) мавжудлиги ўртасида

кучли ва статистик жиҳатдан аҳамиятли боғлиқлик борлигини кўрсатди. Логистик регрессия таҳлилига кўра, ДТЖ мавжудлиги енгил МТС еҳтимолини сезиларли камайтирувчи ($OR = 0, 04$; $p = 0, 002$), ўрта МТС еҳтимолини эса ишончли оширувчи ($OR = 9,75$; $p=0,014$) омил сифатида белгиланди.

Бу эса ДТЖ омилини МТС оғирлигига дифференсиал таъсир кўрсатишини англатади. Умуман олганда, натижалар МТС оғирлик даражасининг латерализацияси, ДТЖ мавжудлиги, когнитив пасайиш ва ташвиш даражаси билан статистик боғлиқликда эканлигини кўрсатади.

3-жадвал


МТС (ГС) даражаларига кўра асосий демографик ва клиник кўрсаткичлар

	МТС даражаси	Учраш сони	Минимал	Максимал	Ўртача қиймат ± Стд.хат
Ёши	Ўрта	15	23	50	33, 07 ± 7, 81
	Оғир	3	27	60	39, 67 ± 17, 79
	Енгил	12	18	50	26, 75 ± 10, 09
Кас_давом йил	Ўрта	15	6	28	16, 47 ± 7, 1
	Оғир	3	6	31	17, 67 ± 12, 58
	енгил	12	3	38	16, 83 ± 14, 04
Хур_дав. сек	Ўрта	15	30	200	124, 67 ± 58, 87
	Оғир	3	30	200	92, 67 ± 93, 39
	енгил	12	25	180	120, 42 ± 60, 43
Даст_хур_ёш	Ўрта	15	4	28	17 ± 6, 5
	Оғир	3	16	21	18, 67 ± 2, 52
	енгил	12	2	30	15, 83 ± 7, 7
Хуруж сони_хар ойда	Ўрта	15	0, 17	3	0, 97 ± 1, 03
	Оғир	3	0, 33	2	0, 94 ± 0, 92
	енгил	12	0, 17	3	0, 62 ± 0, 9

Ушбу омиллар HARNESS-МРТ баённомаси орқали аниқланган МТС клиник кечишини прогнозлашда ва беморларни комплекс баҳолашда муҳим диагностик мезонлар бўлиши мумкин.

Диссертациянинг бешинчи боби “ГС-МЧБЭ ни ташхислашда ММР-9 биомаркери асосида клиник-диагностик ва прогностик моделни шакллантириш” деб номланган бўлиб, ММР-9 биомаркерининг ГС-МЧБЭ касаллигидаги ўзгаришлари, олинган натижалар асосида якуний клиник-диагностик ва прогностик модел ишлаб чиқилди ва касалликнинг комплекс диагностик алгоритми ишлаб чиқилди.

ГС-МЧБЭ бўлган беморларнинг ММР-9 биомаркери даражалари гуруҳлараро ва жинсга кўра сезиларли ўзгаришлар кўрсатди. Асосий гуруҳда (МТС билан ГС-МЧБЭ) ММР-9 даражаси ўртача $71,27 \pm 22,82$ нг/мл бўлиб, қиёсий (МТС бўлмаган ГС-МЧБЭ) ва назорат (соғлом шахслар) гуруҳларига нисбатан анча юқори еди (мос равишда $31,76 \pm 19,32$ ва $18,63 \pm 3,07$ нг/мл) (5-расм).



5-расм. Гуруҳларда матрикс металлопротеаза-9 концентрацияси кўрсаткичлари.

Two-Way ANOVA натижаларига кўра, гуруҳлар бўйича ММР-9 даражалари орасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли еди ($F(2, 82)=64, 94$, $p<0, 001$; $\eta^2=0, 61$), аммо жинс омили бу фарққа таъсир қилмаган ($F(1, 82)=2,5$, $p=0,118$; $\eta^2=0, 03$). Гуруҳ ва жинс ўртасидаги ўзаро таъсир ҳам аҳамиятли эмас еди ($F(2, 82)=2, 15$, $p=0, 123$; $\eta^2=0, 05$). Бонферрони пост-хос таҳлиллари асосий гуруҳ билан бошқа гуруҳлар ўртасида ММР-9 даражаларининг сезиларли фарқ қилишини тасдиқлади ($p<0, 001$).

Mann-Whetney U-тест ёш ва ММР-9 даражаси ўртасида статистик аҳамиятга эга боғлиқлик йўқлигини кўрсатди ($p=0,363$; $r=0,07$), Spearman корреляцияси эса ёш ва ММР-9 ўртасида паст даражадаги, аммо статистик аҳамиятга эга бўлмаган мусбат боғлиқликни аниқлади ($r=0, 21$; $p=0, 053$).

Чизиқли регрессия таҳлилида эса фақат асосий гурухда ёш ва ММР-9 ўртасида паст даражадаги ижобий корреляция мавжудлиги тасдиқланди ($R=0, 37; R^2=0, 13; p=0, 046$), бошқа гурухларда бу боғлиқлик аҳамиятли эмас эди. Шундай қилиб, ММР-9 биомаркери даражалари асосий гурухда анча юқори бўлиб, гурух фарқлари сезиларли экан, жинс омили таъсири йўқ ва ёш омилининг ММР-9 даражасига таъсири фақат асосий гурухда заиф даражада кўзга ташланади.

